

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАРАХМОНОВ МУХАМАТДИН ХОМИДОВИЧ

**ПИРИМИДИН ВА ФЕРРОЦЕННИНГ АЙРИМ ҲОСИЛАЛАРИНИ
КВАНТ КИМЁВИЙ ЎРГАНИШ ВА КИМЁВИЙ ТАРКИБИГА КЎРА
СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мамарахмонов Муҳаматдин Хомидович

Пиримидин ва ферроценнинг айрим ҳосилаларини квант кимёвий
ўрганиш ва кимёвий таркибига кўра синфлаш..... 3

Мамарахмонов Муҳаматдин Хомидович

Квантово-химическое изучение некоторых производных пиримидина и
ферроцена и их классификация по химическому составу..... 21

Mamarakhmonov Mukhamatdin Khomidovich

Quantum chemical study of some pyrimidine and ferrocene derivatives and
their classification on base of chemical composition..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАРАХМОНОВ МУХАМАТДИН ХОМИДОВИЧ

**ПИРИМИДИН ВА ФЕРРОЦЕННИНГ АЙРИМ ҲОСИЛАЛАРИНИ
КВАНТ КИМЁВИЙ ЎРГАНИШ ВА КИМЁВИЙ ТАРКИБИГА КЎРА
СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/K65 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асқаров Иброҳим Раҳмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мадихонов Неъматжон
кимё фанлари доктори, профессор

Абдуғаниев Бахтиёржон Ёрмухаммадович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.K.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч. 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91 e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ кунни тарқатилди.

(2018 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

В.У.Хўжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д.

Ш.А.Мамажонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, пед.ф.н., доцент

И.А. Абдугафуров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимёвий жараёнларни назарий жиҳатдан, чуқур илмий тадқиқ қилишга бўлган талаб ортиб бормоқда. Кимёвий реакцияларнинг молекуляр жараёнлар эканлиги уларни тадқиқ этишда бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Замоनावий ахборот технологиялари ва квант кимё усулларида унумли фойдаланиш ушбу муаммоларни ҳал этиш имконини яратади. Бугунги кунда биологик фаоллиги юқори, экологик жиҳатдан зарарсиз моддаларни синтез қилиш, уларни амалиётга тадбиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда кенг қўлланиладиган янги кимёвий бирикмаларни синтез қилиш, улар асосида экологик хавфсиз товарлар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса мавжуд хом ашёлар асосида иқтисодий жиҳатдан самарадор илмий тадқиқотлар ўтказишда замонавий квант кимёвий усулларида кенг фойдаланиш лозим эканлигини кўрсатади. Айниқса, таркибида темир, кислород, азот, олтингурут, селен каби элементлар тутган ароматик хусусиятли бирикмалар янги авлодини яратишда квант кимё усулларида унумли фойдаланиш, уларни биологик фаоллигини ўрганиш, кимёвий тузилиши ва таркиби асосида синфлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, пиримидин ва ферроцен асосидаги синтезларда квант кимё усулларида амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда тиббиёт ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган, биологик фаол препаратлар синтез қилишда янги инновациялар ва ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш”¹ вазифалари белгилаб белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакат иқтисодиётини ва аҳоли соғлигини ҳимоялаш, пиримидин ва ферроцен асосида биологик фаол препаратларнинг янги авлодини синтез қилиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тегишли код рақамларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон ««Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пиримидин ҳосилалари билан АҚШда Х. Клоппинг, А. Маргот, А. Катрицкий, Швейцарияда П. Пристер, Ж. Гейги, Францияда А. Гиёт, С. Мензер, Россияда В. Гунарь, С. Завьялов, Ю. Швачкин, Японияда М. Муэцугу, М. Кадзуо, Х. Каори ва б., Ўзбекистонда эса, проф. Х.М.Шахидоятлов, проф. Л.М. Юн ва бошқа олимлар фаол шуғулланганлар.

Ферроцен ҳосилалари билан илк бор шотландиялик Т.Кили ва П.Посон шуғулланганлар. Кейинчалик АҚШда Р. Вудворд, В. Посдорф, Ж.Теббот, Ж. Тремайн, Россияда А.Н. Несмеянов, Н.С.Кочеткова, Э.Г.Перевалова, В.Д. Вильчевская, Л.В. Снегур, Японияда С. Ямада, А. Накахира, М. Кумада ва бошқа олимлар ферроценнинг янги ҳосилалари синтезларини олиб бордилар.

Ўзбекистонда ферроценнинг янги ҳосилалари синтези бўйича А.Ғ.Маҳсумов, И.Р.Асқаров ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Илмий адабиётларда урацил, тимин, аденин, цитозин ва уларнинг ҳосилалари, шунингдек, ферроценнинг алициклик, ароматик ва тўйинган ҳосилаларининг квант-кимёвий ҳисоб натижалари келтирилган, аммо пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилалари нисбатан кам ўрганилган бўлиб, улар кимёвий таркиби бўйича товарлар номенклатурасида синфларга ажратилмаган.

Мазкур диссертация иши пиримидин ва ферроценни айрим ҳосилаларининг электрон тузилиши, реакция қобилиятини физик-кимёвий, ҳамда квант-кимёвий усулларда тадқиқ этган ҳолда кимёвий таркиби асосида синфлашни, Ташқи иқтисодий фаолиятда товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича тегишли янги код рақамлари бериш, пиримидин ва ферроцен ҳосилалари тутувчи товарлар учун тавсия этилган код рақамларини амалиётга жорий этиш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ферроцен ва унинг ҳосилалари асосида синтез қилинган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларининг электрон тузилиши, кўпёқлама реакция қобилияти, реакция механизмларини исботлаш ва ферроценнинг айрим биологик фаол ҳосилалари синтезини амалга ошириш ҳамда уларни кимёвий таркиби асосида синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

квант-кимёвий ҳисоблар асосида пиримидин айрим ҳосилаларининг таутомер ўзаро айланишларини таҳлили;

пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларининг фазовий ва электрон тузилишини асослаш;

объектарнинг кўпёқлама реакция қобилияти ва алмашилиш реакциялари механизмларини назарий ишлаб чиқиш;

ферроценнинг айрим моно- ва диарил ҳосилалари синтезини амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркиби ва тузилишини таҳлил қилиш;

реакцияларнинг энергетик барқарор ҳосилаларни илмий асослаш;

пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларининг кимёвий таркибига асосланган ҳолда Ҳалқаро иқтисодий муносабатларда қўлланиладиган товар кодларини амалиётда фойдаланиш учун тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2,6-алмашган пиримидин-4-онлар, 5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онлар, ферроцен, пара-ферроценилфенол, 1,1'-бис(4-гидроксифенил)- ферроцен ва уларнинг ҳосилалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларини назарий квант-кимёвий ҳисоблари, биологик фаол ферроцен ҳосилалари синтезини амалга ошириш ҳамда уларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида квант кимёсининг замонавий ярим эмпирик MNDO, MINDO/3, AM1, PM3, ноэмпирик - “*ab initio*” (Хартри-Фок методи) ва гибрид DFT-B3LYP методлари, ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия, атом-абсорбцион спектрофотометрия, элемент анализ ва “Товарлар кимёси” тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор 2-,6-алмашинган пиримидин-4-онларнинг тузилиши, таутомерияси, энергетикаси, электрон тузилиши, кўпёқлама реакция қобилияти аниқланган;

2-оксо(тиоксо)тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-он ва уларнинг тиенопиримидин халқасига *b* томондан конденсирланган аналогларининг электрон тузилиши ва метил гуруҳининг нитро гуруҳга ипсо-алмашилиш реакциялари механизмлари Хартри-Фок ва DFT-B3LLYP методлари билан исботланган;

ферроценни изомер аминофеноллар ва аминобензой кислоталар билан ариллаш реакциясининг назарий унуми ва амалий натижалари ўртасидаги ўзаро мослик квант-кимёвий ҳисоблар орқали исботланган;

пара-ферроценилфенол ва 1,1'-бис(4-гидроксифенил)-ферроценларнинг селектив синтез усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

квант-кимё ҳисоб усуллари амалиётга қўллаш асосида 1,1'-бис(4-гидроксифенил)-ферроценларнинг реакция шароити таклиф этилган ва

гетероҳосилаларининг унуми кўпроқ бўлиши исботланган;

пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларини тадқиқ этишда квант кимё усулларини амалиётда қўллашдаги иқтисодий унум исботланган;

квант-кимёвий ҳисоблашлар асосида пиримидин ва ферроценнинг айрим биологик фаол ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга мос янги товар код рақамлари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ҳисобларнинг замонавий квант-кимёвий усулларда бажарилгани, уларнинг амалий натижаларга мослиги, синтез қилинган моддаларнинг юпқа қатламли ва колонкали хроматография усулларида ажратиб олиниб, элемент анализи, ИҚ- спектроскопия, масс-спектрометрия ва атом-абсорбцион спектрофотометрик усуллар асосида таркиби ва тузилишининг аниқланганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги, амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, замонавий квант-кимё усуллари ёрдамида пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларининг электрон тузилиши, таутомерияси, кўпёклама реакция қобиляти асослаб берилган. Параферроценилфенол ва 1,1'-бис(4-гидроксифенил)- ферроценлар синтези учун реакция шароитлари таклиф этилган ва реакция механизмлари изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, квант-кимё усуллари ёрдамида назарий жиҳатдан кимёвий жараёнларни юқори аниқликда моделлаштириш орқали илмий ходимларнинг қимматли вақтлари ва моддий ресурслар иқтисод қилинган. Пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларининг кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича тегишли код рақамлари тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий квант-кимёвий усулларни қўллаш орқали пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ароматик табиатли пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларининг электрон тузилиши, реакция қобилятини аниқлашнинг экологик зарарсиз, назарий тезкор услуби давлат божхона амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 11-майдаги 05/16-05154-сон маълумотномаси). Натижада кимёвий реагентлар ва эритувчилар учун сарф этиладиган моддий ҳаражатларни тежаш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолиятда товарлар номенклатураси бўйича айрим биологик фаол пиримидин ҳосилалари учун 2933 59 950 1 код рақами, ферроценнинг гетероароматик ҳосилалари учун 2942 00 000 3 код рақами давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 11-майдаги 05/16-05154-сон маълумотномаси). Натижада ушбу товар кодлари пиримидин ва

ферроценнинг айрим биологик фаол бирикмаларини синфлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий мақола chop этилган, шулардан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини chop этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 8 та илмий мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 29 та жадвал, 3 та расм 18 та схема ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми – 110 бетни ташкил этган.

Миннатдорчилик:

Муаллиф диссертация ишини бажариш, таёрлаш жараёнидаги улкан илмий хиссаси учун, ҳурматли устози РФ ФА Органик Кимё Институти профессори, к.ф.д. Л.И.Беленькийга чин дилдан миннатдорчилик билдиради;

Муаллиф марҳум устозлари к.ф.д., проф. Х.М. Шахидоятов (ЎзР ФА Ўсимлик Моддалари Кимёси Институти), ҳамда к.ф.д., проф. Н.Д. Чувылкинларнинг (РФ ФА ОКИ) бебаҳо илмий маслаҳатларини эътироф этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Пиримидин ва ферроцен ҳосилалари”** деб номланган биринчи бобида пиримидин ва ферроцен ҳосилалари билан олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритиб берилган. Ушбу бирикмаларнинг реакция тенгламалари ва шароитлари, кимёвий хоссалари, ишлатилиши ҳамда аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларининг квант кимёвий тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобида пиримидин, ферроцен айрим ҳосилаларининг электрон тузилиши, таутомер ўзгаришлари, кўпёқлама реакцион қобилияти, электрофиль ўрин олиш реакциялари йўллари замонавий квант-кимёвий усулларда ўрганилган ва газ фазада ҳамда эритувчида борувчи реакция механизмлари таклиф қилинган. Олинган назарий ҳисоб натижаларини экспериментал натижаларга таққослаш,

уларнинг аниқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайди ва бу натижаларни ўтказилган ва ўрганиш режалаштирилган кимёвий жараёнларнинг қонуниятларини баҳолашда қўллаш имконини беради.

Пиримидин-4-онларнинг таутомерияси, электрон тузилишини квант-киёвий ўрганиш. Бизнинг тизимли илмий тадқиқотимизда ярим эмпирик ҳисоб дастурлари AMPAC32, MOPAC6, WINMOPAC7.21 билан бирга, ярим эмпирик ва ноэмпирик ҳисоблашлар учун HYPERCHEM, GAUSSVIEW5.0, GAUSSIAN98W дастурларидан фойдаланилди. Пиримидин ҳосилаларини ўрганишда MNDO, MINDO/3, PM3, AM1 методларидан унумли фойдаландик. MNDO ва MINDO/3 методлари таркибида водород боғлари (ВБ) бўлмаган бирикмалар учун қўлланилди. Таркибида O, S, Se ва N атомлари бўлган, водород боғлари мавжуд бирикмалар учун эса PM3 ва AM1 методлари қўлланилди.

6-Метил-2-оксопиримидин-4-он таутомерлари ва уларнинг кўпёклама реакция қобилияти. 6-Метил-2-оксопиримидин-4-он нейтрал молекуласи 6 та таутомер ҳолатларда (1A-1F) мавжуд бўлади. Ушбу структураларнинг газ фазадаги геометрияси ва энергетик катталиклари AMPAC-32 дастурининг MNDO, MINDO/3, PM3, AM1 методларида бажарилган. Молекулада N-H ва C=O боғлари мавжуд бўлиб, ички молекуляр водород боғларининг пайдо бўлишига олиб келади.



Ҳисоб натижаларига кўра, MINDO/3, AM1 ва PM3 усуллари ўзаро яқин натижаларга олиб келди: диоксоформа 1B бошқа таутомерларга нисбатан барқарорроқ. PM3 ва AM1 усуллар натижаларининг ишончлилиги юқорироқ.

1-жадвал

Нисбий энергетик барқарорлик ва атомлардаги заряд тақсимоти.


Бирикма	Усул			
	MINDO/3	AM1	PM3	
1B	-125.07	-61.73	-77.95	
Атомлардаги заряд тақсимоти, 1B бирикма				
Усул	N1	O2	N3	O4
AM1	-0.32	-0.36	-0.27	-0.33

Шунга кўра, субстратнинг электрофил реагентлар (метил катионлари) билан тўқнашиш эҳтимоли юқори. **B** таутомернинг барқарорлигини яна шу билан тушунтириш мумкинки, молекула N3-C6 ўқиға нисбатан симметрикдир.


6-Алмашган пиримидин-2,4-дионлар, 2-тиоксо-, 2-селеноксо-, 2-амино-, 2-ацетиламинопиримидин-4-онларнинг анион шакллари.

Назарий тасаввурларга мувофиқ, манфий заряд битта атомда локаллаша олмайди, гетероциклнинг бир нечта атомлари орасида ва

экзоциклик атомларда делокаллашади: N1-O2-N3-O4. Депротонланиш жараёнида анион 1 A`-D` структураларнинг мумкин бўлган 4 та шакли ҳосил бўлишини тахмин қилиш мумкин бўлиб, улар кўп ёқлама реакцион қобилиятни намоён қилади.



Таутомер пиримидин-2,4-дион, 2-тиоксо-, 2-селеноксо-, 2-амино ва 2-ацетиламинопиримидин-4-дионлар, ҳамда уларнинг метил- ва фенилалмашинган ҳосилалари барқарорлиги. C₂ ҳолатда ҳар хил ўринбосарлар (X=O, S, Se, NH, COONH₂) тутувчи 6-алмашинган (1-5) пиримидин-4-онлар кўп томонлама реакцион қобилиятни намоён қилади.



1. X = O, 2. X = S, 3. X = Se, 4. X = NH; 5. X = Ac.
a) R = H, b) R = Me, c) R = Ph

Кўп томонлама реакцион қобилият ва лактам-лактим таутомерия ўртасида ажралмас боғлиқлик мавжуд. Таутомерларнинг барқарорлиги, 2- ва 6-ҳолатдаги ўринбосарлар эффекти сабабларини аниқлаш учун биз томонимиздан РМЗ яқинлашувида МОРАС дастури бўйича квант-кимёвий ҳисоблашлар ўтказилди. Маълумки, РМЗ ҳисоблаш усули ВБ тутувчи бирикмаларни ҳисоблаш учун қўлланилади.

2-Оксо(тиоксо, селеноксо)пиримидин-4-онлар ва 5,6-диметил-2-оксо(тиоксо)тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онларни ноэмпирик ва гибрид усуллар билан квант-кимёвий тадқиқоти. Адабиётлардан маълумки, гетероциклларни Хартри-Фокнинг ноэмпирик методи ва DFT функционал зичлик назарияси методи билан, ВЗLYP гибрид функционали билан ўрганиш ишончли натижаларга олиб келади. Ҳисоблашларни ўтказиш учун


бирикмаларнинг кириш матричасини GaussView 5.0 дастурида тайёрладик. Квант-кимёвий ҳисоблашлар DFT/B3LYP/3-21G ва HF/3-21G методи бўйича ҳар хил версиядаги Microsoft Windows ОС га мослаштирилган Gaussian98 дастури ёрдамида ўтказилди. Бу дастур эритувчилар таъсирини ҳам ҳисобга олиш имконини беради. DFT/B3LYP/3-21G ва HF/3-21G квант-кимёвий методлари билан 5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онларнинг куйидаги таутомер структуралари тадқиқ этилди.

Нисбий энергияларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, барча ўрганилган бирикмаларнинг таутомерлари орасида, газ фазасида ҳам, этанол, ацетонитрил ва ДМСО муҳитида ҳам 2-оксо-шакл, ёки унга ўхшаш бўлган тиоксо- ёки селеноксо- шакллар энергетик жиҳатдан афзалдир.

Алмашинган 2-(оксо(тиоксо)тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онларнинг электрон тузилиши ва реакцион қобилияти. Пиримидин ҳалқасидаги ўринбосарлар таъсирини, эритувчиларни ва прототроп таутомерияни ҳисобга олган ҳолда, С5 атомдаги метил гуруҳни нитро гуруҳига *инсо*-алмашинишининг афзаллигини мумкин бўлган сабаблари, шунингдек, 3-алмашинган ва 3-алмашинмаган тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онлар табиатидаги фарқлар назарий асосланди. Квант-кимёвий ҳисоблашлар Gaussian 98 дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда, Хартри-Фок яқинлашувида ва B3LYP функционалли зичлик функционали назарияси (DFT) доирасида 3-21G базисида геометрик параметрларни тўлиқ муқобиллаштирилган ҳолда ўтказилди. Сольватация эффектлари қопланувчи сфералар яқинлашувида (IEFPCM) ҳисобга олинди.


Алмашинган тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онлар ва уларнинг пиримидин фрагментининг *b* қирраси бўйича аннелирланган аналогларининг электрон тузилиш ва реакцион қобилияти. Одатда 3,5,6-триметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онга, шунингдек трициклик 2,3-три-, 2,3-тетра- ва 2,3-пентаметилен-5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онлар (7-9) нитроловчи аралашма таъсирида метил гуруҳи нитро гуруҳга алмашинмасдан, балки тиенопиримидиннинг С5- ҳолатидаги метил гуруҳи оксидланиб, тегишли карбон кислоталар (11-13) ни ҳосил қилишини квант кимё усуллари билан тадқиқ этилди.

Бундай турдаги реакциянинг асосий сабабларини аниқлаш учун биз томонимиздан Gaussian98 дастури бўйича DFT/B3LYP гибрид усулида бошланғич моддалар, интермедиатлар ва реакция маҳсулотларини 3-21G базисида квант-кимёвий ҳисоблашлар ўтказилди. 3-Метилалмашинган (6-10) ва 2,3-полиметилалмашинган бирикмалар (7-9, 11-13) учун жараён карбоксилланиш билан тугайди:



6, 10

R=Me, CO₂H




7-9, 11-13

R₁=Me, CO₂H

7, 11 n=1; 8, 12 n=2; 9, 13 n=3

Реакциянинг давомийлигида 5- ҳолат ягона реакция маркази бўлади ва 5-мононитроҳосила ҳосил бўлади. Ушбу натижалар квант кимё ҳисоблашлари ёрдамида исботланди.


Ферроцен ҳосилаларининг ариллаш реакцияларини квант-кимёвий ўрганиш. Ферроценни уч хил изомер аминокислоталари билан ариллаш реакцияларининг квант-кимёвий ҳисоблашлари ўтказилди.



NF/3-21G, DFT/B3LYP/3-21G методлари билан ўтказилган ҳисоблашлар натижалари ва экспериментал олинган маълумотларни таққослаш асосида реакциянинг изомер маҳсулотлари унумларининг фарқланиши сабаблари таҳлил қилинди.

Олинган натижалар адабиётлардаги маълумотларга мувофиқ келади. Молекулаларнинг электрон тузилиши ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб, алоҳида атомларнинг реакцион қобилиятлари аниқланди. Олинган натижалар асосида мумкин бўлган реакция маҳсулотлари ҳисобланди ва асосий маҳсулотларнинг нисбатан юқори унумлари назарий асосланди.

Изомер аминокислоталар билан ариллаш реакцияларини квант кимёвий ўрганиш. Юқорида кўрсатилган методлари ёрдамида ферроценни (14) аминокислоталар билан ариллаш реакциялари ўрганилди. Бу жараёни *o*-, *m*- ёки *p*-аминокислоталарни диазотирлаш ва ҳосил бўлган диазобирикманнинг азот ажралиб чиқиши билан ўз-ўзидан парчаланиши ва кейин ҳосил бўлган арил-радикалларни ферроцен билан таъсирлашуви реакциялари кетма-кетлиги кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Реакция



14 (Fc)

15-17

натижасида тегишли ферроценилфеноллар (15-17) ҳосил бўлади. Бунда жараён тўлалигича оралиқ маҳсулотларни ажратиб олмасдан боради. Ферроценни ариллаш реакциясида яққол радикал характери эҳтимоли

кўпроқ.

Ферроцен ҳосилалари синтези.

Моноарилҳосилалар диазоний тузларининг фақат эквивалент миқдорлари қўлланилгандагина эмас, балки ушбу тузларнинг бироз мўл миқдорда олинганда ҳам реакциянинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади. Қачонки, диариллаш кетган ҳолатда ароматик радикал моноарилферроценнинг алмашинмаган халқасига хужум қилади ва бунинг натижасида гетероаннуляр алмашган 1,1'-диарилферроцен ҳосил бўлади.

Моддаларнинг ИҚ спектрлари Perkin Elmer фирмасининг «Spectrum Two» ускунасида олинди.

Диссертациянинг “Олинган натижалар муҳокамаси” деб номланган учинчи бобида ўтказилган назарий квант-кимёвий ҳисоблашлар ва бирикмалар синтези бўйича тажрибалар асосида олинган маълумотлар муҳокама қилинади.

2-жадвал

A-F таутомер шаклларнинг, 1-3 бирикмаларнинг РМЗ методи билан ҳисобланган нисбий ҳосил бўлиш иссиқликлари* ΔH_f^θ (ккал/моль)


Бирикма	Фаза	В	С	Д	Е	Ғ
1	Газ	7.4	6.6	8.9	21.9	15.0
	Эритма	16.9	9.3	22.7	36.8	39.4
2	Газ	8.1	7.4	8.7	21.9	15.9
	Эритма	48.0	13.8	17.4	38.0	36.4
3	Газ	8.3	7.8	8.6	22.1	16.2
	Эритма	34.5	12.1	7.8	38.4	76.1

*-ҳисоб боши сифатида *A* таутомер шаклнинг ҳосил бўлиш иссиқлиги олинган.

РМЗ методи билан қутбли эритувчини 1-3 - моддалар учун нуқтали диполлар модели доирасида унинг тўртта молекуласини ҳисобга олган ҳолда *A-F* шаклларнинг таутомер мувозанатига таъсири ўрганилди. 2-Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 1-3 моддалар учун газ фазасида ҳам, эритмада ҳам *a* шаклдаги таутомерия афзалроқ, барча ҳолатларда барқарорлиги жиҳатдан кейинги ўринда *c* шакл ҳисобланади; **3d** таутомер шакл **3c** шаклга қараганда барқарор, бироқ фақат эритмада.

Биринчи ҳолатда максимал манфий зарядли (*q*) атомлар мумкин бўлган реакция марказлари ҳисобланади. Орбитал назоратда эса ЮБМО ларни қамраб оладиган марказлардаги максимал π -электрон зичлик (ρ) электрофилларга нисбатан реакция қобилиятни баҳолашга хизмат қилиши мумкин.

HF/3-21G и B3LYP/3-21G методлари билан 1 ва 2 бирикмаларнинг бициклик аналоглари – тиенопиримидинонлар (**18A-F**) ва (**19A-F**) учун ҳисоблашлар ўтказилди ва олинган натижалар асосида уларнинг таутомер ўзгаришлари таҳлил қилинди.



X = O (18A-F), X = S (19A-F),

Келтирилган нисбий энергиялар газ фазасида ҳам, дихлорметанда ҳам **18** ва **19** бирикмалардаги **B** таутомер мақбулроқ эканлигини кўрсатади (3-жадвал).


3-жадвал

2-Алмашинган тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онларнинг нисбий энергиялари


Муҳит	Таутомер	HF/3-21G		B3LYP/3-21G	
		18	19	18	19
Газ фазаси	A	0	0	0	0
	B	-39.41	-45.29	-37.73	-32.82
	C	-6.04	-14.97	-16.65	-10.93
	D	-24.65	-14.38	-14.12	-11.53
	E	-5.56	-3.31	-10.27	-0.60
	F	-8.08	-15.30	-5.78	0.63
Дихлорметан	A	0	0	0	0
	B	-31.07	-39.63	-30.35	-32.41
	C	-3.84	-7.35	-10.31	-2.91
	D	-15.47	-1.75	-10.23	-8.79
	E	4.29	5.79	3.60	2.21
	F	-0.27	6.04	-5.49	-6.82

Шу билан биргаликда, HF/3-21G методнинг кўрсатишича, газ фазасидан суюқ фазага, яъни дихлорметанга ўтганда иккала бирикма (**18** ва **19**) учун юқоридаги мақбуллик сезиларли даражада камаяди, бироқ, B3LYP/3-21G методи бўйича ҳисоблашларга кўра бу кўрсаткич **19**-бирикма учун деярли шундайлигича қолиши, **18**-бирикма учун камайиши керак (3-жадвал). Шундай қилиб, бажарилган ҳисоблашлар натижаларининг гувоҳлик беришича, моноциклик пиримидиндион **1B**, тиокоспиримидинон **2B**, селеноксо-пиримидинон **3B**, ҳамда конденсирланган тиенопиримидинон **18B** ва тиоксо-пиримидинон **19B** молекулалари учун газ фазасида ҳам, суюқ фазада


хам **B** типдаги таутомерлар, яъни **1B**, **18B** диоксоҳосила, **2B**, **19B** оксотиоксоҳосила ва **3B** оксоселеноксоҳосила мақбулрок.




18 ($X=O$), **19** ($X=S$)




20




21



22




23




24


Аввалроқ 2-оксо-5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (**18**) ва 5,6-диметил-2-тиоксотииено[2,3-*d*]пиримидин-4-онга (**19**) нитроловчи аралашма таъсир эттирилганда метил гуруҳини нитро гуруҳга ипсо-алмашиниши аниқланган. Бунда диондан (**18**) изомер 2-оксо-6-метил-5-нитротииено[2,3-*d*]пиримидин-2,4-диона (**20**) ва 2-оксо-5-метил-6-нитротииено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (**21**) ҳосил бўлиши, тиоксопиримидинондан (**19**) эса мононитроалмашинган ҳосилалар (**22** ва **23**) ўрнига фақат 2-тиоксо-5,6-динитротииено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (**24**) ажратиб олинган.




25



26



27





28


Шу билан биргаликда, 3,5,6-триметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онга (**25**) юқоридаги каби ишлов берилганда фақат битта оксидланиш маҳсулоти - 3,6-диметил-4-оксо-3,4-дигидротииено[2,3-*d*]пиримидин-5-карбон кислота (**26**) ҳосил бўлади. Қайд этамизки, 6-ҳолат бўйича нитролаш ва оксидлашнинг изомер маҳсулотлари - 5-метил-6-нитротииено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (**27**) ва 3,5-диметил-4-оксо-3,4-дигидротииено[2,3-*d*]пиримидин-6-карбон кислота (**28**) олинмаган. Биз томонимиздан ўтказилган квант-кимёвий ҳисоблашлар натижалари асосида 5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-2,4-дион (**18**), 2-тиоксотииено[2,3-*d*]пиримидин-4-он (**19**) ва тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онларни нитролашда метил гуруҳини нитро гуруҳга алмашиниш реакциясининг мумкин бўлган механизми таклиф этилди.

Тахмин қилиш мумкинки, тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онлар (**18**, **19**)

лактим шаклда нитроловчи аралашмада катионларни (29-32, 33-36) ҳосил қилиши мумкин бўлиб, улар кейин фазовий яқин бўлган C5 ҳолат бўйича ичкимолекуляр нитроланиш жараёнида иштирок этади.





Таъкидлаш керакки, нитроловчи аралашма таъсирида ҳосил бўладиган қуйидаги оралик структураларда (37, 38) ўзига хос умумийлик мавжуд, бу – уларнинг А фрагментини тутишидир.



Бу фрагмент (37, 38) структураларни нитрат кислотанинг протонланган мураккаб эфирлари, нитрат ва имид кислоталарининг, ҳамда нитрат ва сульфат кислоталарнинг аралаш ангидридлари билан турдош бирикмаларга айлантиради.

Мазкур бўлимда бошланғич моддалар (1-13, 18, 19) кислоталар (26, 28) эфирлар (37, 38) ва нитроалмашиган (20-24, 27) шунингдек кислотадан нитроловчи аралашма таъсирида ҳосил бўлиши мумкин бўлган аралаш ангидридлар (39, 40-42) молекулаларининг ўтказилган квант-кимёвий ҳисоблашлари тақдим этилган.



Тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-он ҳосилалари учун олинган натижалар билан таққослаш учун карбон кислоталар ва уларнинг метил эфирлари - тиено[2,3-*d*]пиримидиндион ҳосилалари, шунингдек, тегишли кислоталар ва эфирлар- 2-тиоксотииено[2,3-*d*]пиримидин-4-он ҳосилалари замонавий усулларда ҳисобланди.

4-жадвал

DFT/B3LYP/3-21G усулида ҳисобланган 11-13, 25 бирикмалар атомларидаги зарядлари

Бирикмалар	Атомлар						
	N1	C2	N3	C4	C5	C6	S7
11	-0.61	0.63	-0.73	0.68	0.09	-0.37	0.59
12	-0.60	0.61	-0.74	0.67	0.09	-0.37	0.58
13	-0.59	0.61	-0.73	0.68	0.09	-0.37	0.58
25	-0.56	0.34	-0.70	0.68	0.09	-0.37	0.59
	2-H	3-CH ₃	3-H	4-O	5-CH ₃	6-CH ₃	
11	-	-	-	-0.52	-0.64	-0.61	
12	-	-	-	-0.52	-0.64	-0.60	
13	-	-	-	-0.52	-0.64	-0.60	
25	0.24	-0.38	-	-0.51	-0.64	-0.61	

Аминобензой кислоталари билан ариллаш реакцияларини квант-кимёвий тадқиқоти. Ариллаш жараёни, diazotirlash босқичи билан бошланади. Бунда бензой кислота қолдиғи ферроцен фрагментидаги углерод атоми билан бевосита боғланади.

Таъкидлаш лозимки, ферроценилбензой кислоталари юқори биологик фаолликни намоён қилади ва шу боис ушбу бирикмаларнинг синтези билан кўплаб тадқиқотчилар шуғулланганлар, чунончи, ҳар хил муаллифлар томонидан олинган реакция унумлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Мазкур реакцияларнинг квант кимёси методлари ёрдамида тадқиқоти ҳозирги пайтгача ўтказилмаган, бинабарин, ферроценни о-, м- ва п-аминобензой кислоталари билан ўзаро таъсири механизми ва йўлларини замонавий квант-кимёвий методлари билан ўрганиш маълум даражада қизиқиш уйғотади.

Ферроценни аминофеноллар билан ариллаш реакцияларини квант-кимёвий тадқиқоти. Квант кимёвий ҳисоблашлар орқали олинган натижалар о-, м-, п-аминофеноллар билан олиб борилган реакцияларда п-ферроценилфенолнинг унуми нисбатан юқори бўлишини кўрсатади.

Пиримидин ва ферроцен ҳосилаларини синфлаш. Пиримидин ва ферроцен ҳосилалари ТИФ ТН нинг VI бўлимида органик бирикмалар қаторига киритилган. Пиримидин ва ферроценнинг биз томонимиздан ўрганилган бирикмаларига қуйидаги янги товар кодлари таклиф этилди.

5-жадвал

Пиримидин ва ферроцен ҳосилалари учун таклиф этилган код рақамлар

2933 59 950	--- бошқалар
2933 59 950 1	---- 2-оксо-, -2-тиоксо-, -2-селеноксо-, -2-аминоалмашган пиримидин-4-онлар, шунингдек бошқа конденсирланган тиофен халқали ҳосилалари.
2933 59 950 9	---- бошқалар
2942 00 000 3	--- ферроценнинг гетероциклик ҳосилалари.
2942 00 000 9	--- бошқалар

Диссертациянинг “**Пиримидин ва ферроцен ҳосилаларини квант-кимёвий ўрганиш**” деб номланган учинчи бобида 2,6-алмашган пиримидин-4-онлар, 5,6-диметилтиено[2,3-*d*]пиримидин-4-онлар таутомерияси ва уларга *b* томондан конденсирланган полиметилен гуруҳи тутган бирикмалари билан борадиган реакциялар механизмлари квант-кимёвий усулларда ўрганилган. Ферроцен ва пара-ферроценилфенол билан пара-аминофенол иштирокида борадиган арилланиш реакциялари эритувчи сифатида хлороформ иштирокида ва юқори хароратда олиб борилган ҳамда реакция унуми 5%га оширилгани баён этилган. Пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларини кимёвий таркиби асосида синфлаш методикаси ҳамда уларга мос янги кодлар келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

“Пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларини квант-кимёвий ўрганиш ва кимёвий таркибига кўра синфлаш” мавзусидаги диссертация бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Биринчи марта замонавий квант-кимё усулларида 2, 6-алмашган пиримидин-4-онлар ва ферроцен айрим ҳосилаларининг электрон тузилиши, таутомерияси, кўпёклама реакцион қобилияти, улар билан борадиган реакция механизмлари атрофлича ўрганилди. Квант-кимёвий ҳисоблашлар ёрдамида тиено[2,3-*d*]пиримидин-4-он, уларга *b* томондан конденсирланган полиметилен гуруҳи тутган ҳосилалардаги метил гуруҳининг нитро гуруҳга ипсо-алмашиниш реакция механизмлари таклиф этилди.

2. Квант кимё методлари ёрдамида ферроцен ва унинг ҳосиллари геометрияси, электрон тузилиши, арилланиш реакциялари, гомо- ва гетеро ҳосилаларнинг турли нисбатда олиниши кузатилди.

3. Ферроценнинг *n*-минобензой кислота ва *n*-аминофенол билан арилланиш реакциялари натижалари квант кимёвий ҳисоб натижалари билан мос келиши, замонавий квант кимёси усулларини амалиётга қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилди.

4. Квант кимёвий ҳисоблашлар натижасида ферроценни ва

ферроценилфенолни *n*-аминофенол билан ариллаш реакцияси учун таклифлар берилди. Натижада хлороформ иштирокида, реакция ҳароратини ошириш билан реакция унуми 5% га оширилди. Натижалар физик-кимё тадқиқот методлари ёрдамида тасдиқланди.

5. Пиримидин ва ферроцен айрим ҳосилаларининг кимёвий таркиби, электрон тузилишини квант кимёвий ўрганиш орқали ТИФ ТН асосида янги товар кодлари таклиф этилди. 2-оксо-, 2-тиоксо-, 2-селеноксо-, 2-амино-, 2-ацетиламинопиримидин-4-онлар ва уларнинг ҳосилалари учун 2933 59 950 1 товар коди, ферроценнинг гетероциклик ҳосилалари учун 2942 00 000 3 янги товар кодлари таклиф этилди (№ 05/16-05154 11-май 2018 йил).

6. Квант-кимё усулларини илмий тадқиқотларда қўллашнинг арзон, қулай, ишончли, аниқлиги ва тезкор, тежамкорлиги, экологик зарарсиз экани, бу усулларни ўқув, илмий жараёнда ва товарларни божхона экспертизасидан ўтказишда тезкор усул сифатида фойдаланишга тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.27.06.2017.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАМАРАХМОНОВ МУХАМАТДИН ХОМИДОВИЧ

**КВАНТОВО-ХИМИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ НЕКОТОРЫХ
ПРОИЗВОДНЫХ ПИРИМИДИНА И ФЕРРОЦЕНА И ИХ
КЛАССИФИКАЦИЯ НА ОСНОВЕ ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА**

02.00.09 – Химия товаров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/К65.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Аскарров Иброхим Рахмонович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мадиханов Незматжон**
доктор химических наук, профессор

Абдуганиев Бахтиёржон Ёрмухаммадович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится “___” _____ 2018 года в ___ часов. на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.К.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № ____). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: “_____” _____ 2018 года.
(№ реестра протокола рассылки _____ от “_____” 2018 года.)

Хужаев В.У.

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н.

Мамажанов Ш.А.

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.пед.н., доцент

Абдугафуров И.А.

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире увеличивается потребность к теоретическим, глубоко научным исследованиям химических процессов. Так как химические реакции являются молекулярными процессами, то имеются ряд затруднений в их исследовании. Использование современных информационных технологий и квантово-химических методов даёт возможность решить эти проблемы. Ныне синтез экологически безвредных веществ с высокой биологической активностью, их внедрение в практику является одним из важных задач.

В странах мира особое внимание отдается к синтезу новых химических соединений для сельского хозяйства и медицины, получению на их основе экологически безвредных товаров. А это указывает о необходимости широкого использования современных квантово-химических методов при проведении экономически эффективных научных исследований на основе имеющихся сырья. Особенно важное значение имеет эффективное использование квантово-химических методов, изучение биологической активности, строения и химического состава при создании новых поколений соединений с ароматическими свойствами, содержащиеся в составе элементов железа, кислород, азот, сера и селена. Поэтому, важное теоретическое и практическое значение имеет применение в практику методов квантовой химии в синтезах на основе пиримидина и ферроцена.

В нашей Республике проводятся широкомасштабные мероприятия для применения новых инноваций и информационных технологий в синтезе биологически активных препаратов. Согласно Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, определены задачи по «содействию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов для реализации научных и инновационных достижений и обеспечивать людей экологически чистой окружающей средой»¹. Выходя из этих задач важное значение имеет защита экономики страны и здоровья населения, синтез новых поколений биологически активных препаратов, разработка им соответствующих товарных кодов по товарной номенклатуре внешне экономической деятельности.

Данная диссертационная работа служит в определенной степени выполнению задач, предусмотренных в постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2884 «О мерах по развитию АО Узкимёсаноат» от 12 апреля 2017 года, в Указе президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и другими нормативно-правовыми правительственными документами, принятые в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование проведено

¹ Указ президента Республики Узбекистан №4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

в соответствии следующему приоритетному направлению развития науки и технологий Республики Узбекистан: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Производными пиримидина активно занимались в США такие ученые как Х. Клоппинг, А. Маргот, А. Катрицкий, в Швейцарии П. Пристер, Ж. Гейги, во Франции А. Гиёт, С. Мензер, в России В. Гунар, С. Завьялов, Ю. Швачкин, в Японии М. Муэцугу, М. Кадзуо, Х. Каори и др., а в Узбекистане проф. Х.М.Шахидоятов, проф. Л.М. Юн и другие ученые.

Производными ферроцена впервые занимались шотландские ученые Т. Кили и П. Посон. После этого в США Р. Вудворд, В. Постдорф, Ж. Теббот, Ж. Тремайн, в России А.Н. Несмеянов, Н.С. Кочеткова, Э.Г. Перевалова, В.Д. Вильчевская, В.А. Снегур, в Японии С. Ямада, А. Накахара, М. Кумада и другие ученые синтезировали новые производные ферроцена.

В Узбекистане А.Г. Махсумов, И.Р. Аскарлов и другие ученые проводили научно-исследовательские работы по синтезу новых производных ферроцена.

В научной литературе приведены результаты квантово-химических исследований урацила, тимина, аденина и цитозина и их производных, а также ферроцена с алициклическими, ароматическими и предельными заместителями. Однако, научные исследования некоторых производных пиримидина и ферроцена проводились относительно мало и они не классифицированы по товарной номенклатуре по химическому составу.

Данная диссертационная работа направлена на решении ряд задач по исследованию электронного строения, реакционной способности некоторых производных пиримидина и ферроцена на основе изучения их физико-химическими, а также квантово-химическими методами, классификации на основе химического состава, присвоению и внедрению в практику новых цифровых кодов по ТН ВЭД.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательского направления “Биологически активные вещества, синтезированные на основе ферроцена и его производных, их классификация на основе химического состава” Андижанского государственного университета.

